

ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 51 (11.112)

Баҳоси эркин нархда

САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 17 МАРТ КУНИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИГА КЕЛДИ.

Абу-Даби, 17 март. (ЎА махсус мухбири Анвар БОБОВЕВ хабар қилади.)

«Мушриф Палас» саройида Ўзбекистон раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Бирлашган Араб Амирликлари Президенти шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён шохсупага кўтарилдилар. Давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдида ўтидилар.

Ислам Каримов ва шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён ўртасида музокара бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги ҳамкорлиқни кенгайтиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Президентлар ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

Ислам Каримов халқларимизнинг алоқалари узоқ даврларга бориб тақалишини, Ўзбекистон халқи араб дўстлигига алоҳида эҳтиром билан қараганини, мамлакатимиз Бирлашган Араб Амирликларини ўзининг Форс кўрғазидидаги ишончли шерикларидан деб билишини таъкидлади. БАА Президентини Ўзбекистон билан муносабатларни юксак кадрларни қайд этиб, ушбу ташриф ўзаро ҳамкорликни янги поғонага кўтаришига ишонч билдирди.

Даржақат, Бирлашган Араб Амирликларида Ўзбекистон билан муносабатларга алоҳида эътибор берилди. Ислам цивилизацияси ривожига беқув ҳисса қўшган Имом Бухорий, Имом Термизий каби буюк алломаларнинг улкан мероси халқларимизни узоқ тарихдаёқ бир-бирига яқинлаштирган бўлса, бугун Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти, жаҳон сибёст саҳнасида олиб бораётган нуфузи Бирлашган Араб Амирликларида мамлакатимиз билан ҳамкорликни замон талабларига мос равишда ривожлантиришга интилишни кучайтирмоқда.

Ўзаро муносабатлар сўнги йилларда фаллашга бораётган. 2007 йил октябрда Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти, бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими шайх Мухаммад бин Рошид Ол Мактум Ўзбекистонга келди. Ушбу ташриф асосида Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари ҳукуматлари ўртасида даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф қилиш, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва химоя қилиш тўғрисидаги битимлар, шунингдек, икки мамлакат ташқи сибёст маҳкамалари ўртасида ҳамкорлик ва маслаҳатлашувлар тўғрисидаги протокол имзоланди.

Утган йилнинг ноябрь ойида Бирлашган Араб Амирликлари ички ишлар вазири шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён Ўзбекистонга бўлди. Бу ташриф мамлакатларимизнинг хавфсизлик соҳасидаги алоқаларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди. Жамоатчиликни, айниқса, ёш авлодни турли ёт гоа ва мафқуралардан химоя қилишда, динни ниқоб қилиб олган фарз нятли куларга қарши курашишда ҳамкорлик икки мамлакат учун ҳам фойдалидир.

ИSECO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани БААда катта мамнуният билан кутиб олинганини таъкидлаш ўринлидир. Шу муносабат билан юртимизда ўтказилган тадбирларда БАА вакиллари фаол иштирок этдилар. Бу давлатда Президентимизнинг «Ўзбекистон маънавий юксалиши йўлида» китоби араб тилида нашр этилган. Буларнинг барчаси мамлакатларимиз ўртасидаги сибёсий ва маънавий яқинлиқдан, ўзаро ҳурмат ва ишончдан, ҳамкорлиқни ривожлантириш борасидаги интилишлар муштарак эканидан далолатдир.

Ўзбекистон билан БАА ўртасида Араб мувофиқлаштириш гуруҳи доирасида ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ушбу гуруҳнинг 2007 йил июль ойида Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида унинг БАА томонидан аъзоси – Абу-Даби Тараққиёт жамғармаси вакиллари қатнашди. Мазкур анжуманда Ўзбекистоннинг таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, энергетика, кимё саноати, коммунал хизмат, қурилиш ва металлургия соҳалари оид йиғирмадан зиёд лойиҳаси кўриб чиқилиб, қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ислам Каримов Ўзбекистон Бирлашган Араб Амирликлари билан савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик қўламини кенгайтиришдан манфаатдор эканини, БААга Форс кўрғазидида бозорларига чиқиш учун робита сифатида қарашини таъкидлади. Халифа бин Зоид Ол Наҳаён бу жиҳатдан БАА ҳам Ўзбекистон билан қалин шериклик алоқаларини ривожлантириш, мамлакатимиз орқали Марказий Осиё ва МДХ давлатлари билан иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлаш тарафдори эканини қайд этди.

Ўзбекистон ва БАА катта иқтисодий салоҳиятга эга давлатлардир. Ўзбекистоннинг табиий бойликлари, жўғрофий жойлашуви, интеллектуал салоҳияти, қўлай сармоявий мўҳити, замонавий технологияларни импорт қилишга бораётгани хар қандай мамлакатнинг юртимиз билан ҳамкорликни қизиқтириши охиришга табиий. Хусусан, БААга нисбатан айтганда, унинг сармоявий салоҳияти, нефть-газ саноатида ортирган тажриба ва технологиялари билан Ўзбекистоннинг имкониятлари бирлаштиради, ҳамкорлик учун жуда кенг фаолият майдонини юзага келишини кўриш қийин эмас. Мамлакатларимиз раҳбарларининг халқаро сибёсий масалаларда кўп жиҳатдан ҳамфикрлиги ҳам бу имкониятларни тўла ишга солишда яхши замин бўлиб хизмат қилади.

Музокарада Президентлар савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликка, гуманитар алоқаларга алоҳида эътибор қаратдилар.

2007 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 93,1 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистоннинг БААга экспорти асосан рангли металллар, ипақ, газлама ва хизматлардан (хаво транспорти орқали юк ва йўловчи ташуви) иборат. БААдан резина ва каучук маҳсулотлари, кийим-кечак, машиий электроника жиҳозлари, қурилиш материаллари, мебель ва транспорт воситалари импорт қилинади. Мамлакатимизда БАА сар-

моядорлари иштирокида 68 қўшма корхона тўзилган бўлиб, улар озиқ-овқат, электроника, тўқимачилик, қурилиш материаллари, транспорт хизмати кўрсатиш соҳаларида фаолият юритади. Албатта, бу рақамлар икки томонни ҳам қониқтирмайди. Чунки янада катта кўрсаткичларга эришиш учун мамлакатларимизда етарли имкониятлар мавжуд.

Музокарада Ислам Каримов Ўзбекистон ўзаро савдо ҳажмини ошириш, товарлар ва хизматларнинг турларини кўпайтириш мақсадида БААга юк ва йўловчи ташуш максималлари, кимё саноати маҳсулотлари, ип ва шойи газлама, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари, қайта ишланган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, рангли металллар ва улардан ясалган буюмлар етказиб бериши мумкинлигини таъкидлади.

Ўзбекистондаги қўлай сармоявий мўҳит мамлакатимизда БАА сармояси микдорини кўпайтириш учун яхши омилдир. Бунда асосан нефть-газ саноати, нефть кимёси, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, фармацевтика, сайёхлик, шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш соҳаларига эътибор бериш мақсада мувофиқ бўлади. БАА сармоядорлари Ўзбекистонда кенг давом этаётган хусусийлаштириш жараёнида иштирок этишдан манфаатдор.

Хозирги кунда БААнинг IPIC (Нефть бўйича халқаро сармоявий компания) ва «Mubadala» компаниялари билан ҳамкорлик ўрнатилиш ва кенгайтириш масалалари юзасидан музокара оlib борилмоқда. Бу икки компания билан ҳамкорликда Устюрт газ-кимё мажмуи негизда синтетик ёқилга ишлаб чиқаришни ташкил этиш, «Навоийазот» очик акциядорлик жамиятида аммиак ва карбамид мажмуини барпо этиш, мамлакатимиздаги сармоявий блокларда геология-кидирув ишларини ўтказиш ва нефть-газ конларини ўзлаштириш режалаштирилмоқда.

Савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларини ривожлантиришда банк-молия масаласалари ўртасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этди. Шунини инобатга олган ҳолда, банкларро алоқа ўрнатиш, кредит линиялари очиш, ваколатхоналар ёки қўшма банклар ташкил этиш масалалари бўйича ҳам музокара ўтказилмоқда. Жумладан, марказий банклар, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан «Union national bank» ва «Emirates bank» ўртасида алоқа ўрнатиш ва ривожлантириш имкониятлари кўриб чиқилмоқда.

Музокарада Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматларро қўшма комиссия тўзишга келишиб олинди. У савдо-иқтисодий, сармоявий, техникавий ҳамкорлиқни ривожлантириш мақсадида эришилган келишувлар ижросини таъминлайди, ҳамкорлиқнинг янги имкониятларини юзага чиқаради.

Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари сайёхлик соҳасида улкан салоҳиятга эга мамлакатлардир. БАА жаҳон сайёхлик марказларидан бирига айланган бўлса, Ўзбекистон кўп асрлик маданий ёдгорликлари билан дунёга машҳур. Бундай омиллар сайёхлик соҳасидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш борасида катта имкониятлар мавжудлигидан далолат беради. Бу гума-

нитар ҳамкорликка ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Гуманитар соҳада ҳам алоқаларни ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжуд. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти билан Бирлашган Араб Амирликларининг Жумъа ал-Мождий номидаги маданият маркази қадимий қўлёзма асарларни ўрганиш борасида яқиндан ҳамкорлик қилиб келади. Мамлакатларимиз ўртасида таълим, юқори технологиялар, тиббиёт соҳасидаги алоқаларни кенгайтириш икки томон учун бирдек манфаатлидир.

БААда ўзбек миллатига мансуб аҳоли истиколат қилиши, улар орасида бизнеснинг, айниқса, сайёхлик соҳасининг етакчи вакиллари мавжудлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу нафақат сайёхликни, балки ишбилармонларнинг мулоқотларини, гуманитар ҳамкорлиқни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Президентининг ташрифи доирасида мамлакатларимиз ўртасида Ушган жиноятчилик, терроризм ва жиноятчиликнинг бошқа хавфи турларига қарши курашиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматларро битим, Савдо-иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматларро битим, Инвестициялар ва фискал соҳада ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматларро битим, Туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматларро битим, Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматларро ағлашув меморандуми, Ўзбекистон Республикаси Савдо-санот палатаси билан Бирлашган Араб Амирликлари Савдо-санот палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти билан Бирлашган Араб Амирликларининг Жумъа ал-Мождий номидаги маданият маркази ўртасида маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Президент Ислам Каримов ўзи жойлашган «Эмирлат Палас» меҳмонхонасида Абу-Даби Амирлиги валиаҳди шайх Мухаммад бин Зоид Ол Наҳаён билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Абу-Даби Амирлиги ўртасидаги муносабатларга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг ташрифи асосида Ўзбекистон ва БАА ишбилармонларининг бизнес-форуми ҳам бўлиб ўтди. Унда икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилиниб, сармоявий соҳадаги ҳамкорлиқни кенгайтириш имкониятлари кўриб чиқилди. Ўзбекистон иқтисодиёти энг устувор соҳаларининг тақдироти ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи давом этмоқда.

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Тошкентда Халқаро истеъмолчилар куни муносабати билан академик лицей ва касб-хунар коллежлари ёшлари ўртасида ташкил этилган «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи—2008» III Республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Тадбир давомида асосий голиблардан ташқари «Ёш истеъмолчи», «Энг зукко ёш истеъмолчи», «Энг яхши ташкилотчи» номинициялари бўйича ҳам голиблар аниқланди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртинининг аспирант кизлари ўртасида «Илм ёғдуси» кўрик-танлови ўтказилди. Ёшлар йили Давлат дастури доирасида ўтказилган ушбу танлов иштирокчилари ўз илмий фаолияти, назарий билими, уй бекаси сифатида турли ҳаётий муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ҳаракатлари, қўшиқ айтиш, рақс тушиш, шеър-хонлик бўйича ўзаро беллашишди.

• Республика Президенти соврини учун ўтказилаётган аънавий «Ташаббус — 2008» кўрик-танловининг Жиззах вилояти босқичи бўлиб ўтди.

• Қўбрай туманида «Саховат» деб номланган Наврўзолди хайрия ташаббуси ўтказилди. Унга «Тошкентларанда», «Шарк» ва Ш.Рашидов» номли акциядорлик жамиятлари хомийлик қилиб, кам таъминланган оилалар вакиллари билан бир гуруҳига уй шартларида боқишлари учун паррандалар улаштиришди.

• Республика Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан Гулистон шаҳрининг Маънавият тарғибот марказида «Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришда банкларнинг ўрни» мавзуда семинар бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, Республика Маънавият тарғибот маркази ташаббуси билан таниқли ижодкорларнинг Фаргона водийси бўйлаб учрашувлари ташкил этилди.

• Фуркат туманида бўлиб ўтган меҳнат ярмаркасида 20дан ортик ташкилот, корхона ва хусусий фирмалар бўш иш ўринларининг билан қатнашди. Ярмарка давомида 120 нафар талабгор шу ернинг ўзиде ўзи хоҳлаган ишларига жойлашди.

• Жиззах санъат коллежиде ҳаваскорлик тизимидеги миллий эстрада қўшиқлари ижрочиларининг «Истеъдод — 2008» вилоят кўрик-танлови бўлиб ўтди. Кўрик-танловда шаҳар ва туман босқичларида голиб чиққан 60 нафардан зиёд хонанда қатнашди.

ЖАҲОНДА

• Францияда маҳаллий кенгашларга сайловларнинг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. «Франс-пресс» ахборот агентлиги Социалистик партия вакиллари — 48,7 фоиз, амалдаги Президент Никола Саркозининг «Халқ ҳаракати кенгаши» — 47,6 фоиз овоз тўплаганлиги ҳақида хабар тарқатди.

• АҚШ давлат котиби Кондолиза Райс ва мудофаа вазири Роберт Гейтс кеча Москвага ташриф буюрди. Улар бу ерда халқаро хавфсизлик масаласини муҳокама этадилар, ракетага қарши мудофаа, Европада ҳужум қуроолларини қисқартириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

• Косовонинг Митровица шаҳрида бир гуруҳ серблар БМТ тинчликпарвар кучлари қортежига ҳужум уюштиришди. Тартиббузарлар шу йўл билан БМТ судини эгаллаб олган ва кейинчалик тинчликпарвар кучлар томонидан ҳибсга олинган сербларнинг озод этишган.

• Кеча Албания мудофаа вазири Ф.Нидеу истеъфога чиқди.

• Грузия бирлашган муҳолифатчи кучлари парламент Спикери Нино Буржанадзе-нинг истеъфога чиққанидан сўнг эълон қилган очликни тўхтатишларини билдирди.

• Колумбия ва Венесуэла билан ташаббуси билан турмуш кўприк устида «Чегара билмас тинчлик» деб номланган ярашув концерти бўлиб ўтди. Бу концерт дастурида Лотин Америкасининг таниқли қўшиқчилари Хуанеса, Алехандро Санс, Хуан Луис Герра ўз қўшиқлари билан қатнашган. Кўприк узра бўлиб ўтган ярашув маросимида шунингдек, Колумбия, Венесуэла, Эквадор, Никарагуа давлатлари элчилари ҳам иштирок этишган.

• Кеча Ироқ жанубидаги Карбало шаҳрида уюштирилган портлаш оқибатида 37 киши ҳаётдан кўз юмди.

• Молдовада чекишни тақиқлаш бўйича қонун қабул қилинди. Шу қонунга кўра жамоат жойларида чекиш ҳамда оммавий ахборот воситаларида тамаки маҳсулотларини реклама қилиш қатъиян ман этилади. Мутахассисларнинг фикрича, янги қонун атроф-муҳит ва одамлар саломатлигини асрашга хизмат қилади.

• Хитой ҳукумати Тибетда рўй бераётган тартибсизликлар туфайли хорижликларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида сайёҳлар бу хуудуни тарк этиши лозимлигини маълум қилди.

• Кеча Лондонда машҳур қўшиқчи, собиқ «Битлз» ансамбли аъзоси Пол Маккартни ҳамда унинг рафиқаси Хизари Миллс ўртасидаги ахрашиш жараёни ниҳоясига етди. Суд қарорига кўра Маккартни ўз рафиқасига 24 миллион 300 минг фунт стерлинг микдориде товон пули тўлайдиган бўлди.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИГА РАСМИЙ ТАШРИФИ УШБУ МАМЛАКАТ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА КЕНГ ЁРИТИЛМОҚДА.

БАА МАТБУОТИ ТАШРИФНИ КЕНГ ЁРИТМОҚДА

Абу-Даби, 17 март. (ЎА махсус мухбири Анвар БОБОВЕВ хабар қилади.)

«Ал-Иттиҳод» газетасида «Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг БААга ташрифи бошланди. Ўзбекистон ва БАА: сибёсий ва иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлаш ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади» сарлавҳаси билан йирик мақола эълон қилинди. Унда мазкур ташриф икки томонлама ҳамкорлиқнинг янги босқичига тамал тоши қўйилиши, Ўзбекистондаги ислохотлар, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларда эришаётган ютуқлари таъкидланади. Тошкент шаҳрига алоҳида эътибор берилиб, у нафақат сибёсий-стратегик, балки муҳим иқтисодий марказ саналиши, ҳақли равишда «Шарқ дарвозаси» номини олгани қайд этилади.

«Khaleej Times» ва «Gulf News» газеталари ҳамда «International Commercial News» журналида ҳам Ўзбекистонга, Ўзбекистон-БАА муносабатларига бағишланган материаллар чоп этилган.

БАА матбуоти икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари билан 13 март куни Дубайда бўлиб ўтган бизнес-форумини ҳам кенг ёритди. «Учрашув якунида икки мамлакат савдо-санот палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Бу ҳужжатга биноан томонлар савдо-иқтисодий муносабатларини хар томонлама фаоллаштириш ва кенгайтириш, сармоя жалб қилиш ва ўзаро савдо ҳажмини ошириш юзасидан ахборот алмашувини йўлга қўйди», дейилади ушбу мақолаларда.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ Янгиликлар, воқеалар

Миллий хунармандчиликнинг сандиксозлик йўналишини ривожлантиришда пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган хунари гўзалларнинг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда.

СУРАТДА: сандиксоз уста Бахтиёр Қосимов ёш шоғирди билан.

Наталья Семёнова олган сурат



Қисқа сатрларда

• **БУГУН** Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Ҳамза туман бўлимида Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими, туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорликларида уюштирилган тадбир «Ассалом, Наврўз» деб номланди.

• **БУГУН** Сергели туманидаги «Бахт—Диёр» тўйхонасида туман

ҳокимлиги ташаббуси билан кам таъминланган оилаларнинг 205 нафар фарзандлари учун суннат тўйи уюштирилди.

• **МРПЗО** Улугбек номидаги маданият ва истироҳат боғида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг «Ёшлар ташаббуслари» маркази ташаббуси билан уюштирилган акция Ёшлар йилига бағишланди.

• **РЕСПУБЛИКА** Марказий банки

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИ ЖАМОАСИ

Азиз ҳамшаҳарларимиз, қадрли
пойтахтимиз меҳмонларини гўзаллик,
нафосат, яшариш ва янгилашни
байрами бўлган

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан самимий қутлайди.
Сизларга мустаҳкам соғлиқ, бахт-
омад, хонадонларингизга файзу
барака тилаймиз. Баҳорий кайфият
ҳамиша йўлдошингиз бўлсин.



МАДАНИЙ ҲОРДИҚ, ОЛИШНИ ИСТАСАНГИЗ, БОҒИМИЗГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

МУҲТАРАМ ҲАМШАҲАРЛАР ВА АЗИЗ ҲАМКАСБЛАРИМИЗ!

Ўрғинимизга кўрқу қароват ила кўриб келаяётган
нафосат ва гўзаллик байрами—

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан сизларни чин дилдан табриклаймиз.



Опланизия хотиржамлик ва
фаровонлик, эзу ният билан бошлаган
ишларини эзу ривожу рабнат
талабимиз. Қўнғун кўнда
кайфиятиниз азга,
кўнглингизни эзу бўлсин.

«NURAFSHON NUR»

хусусий корхонаси жамоаси

Семинарлар

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

СЕРГЕЛИ ТУМАН БАНДЛИККА КЎМАКЛАШУВЧИ МАРКАЗДА РЕСПУБЛИКА МЕҲНАТ, АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИДАГИ РЕСПУБЛИКА АҲОЛИ БАНДЛИГИ, МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ИЛМИЙ МАРКАЗИ, ГЕРМАНИЯ ДАВЛАТИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ФОНДИ ҲАМДА СЕРГЕЛИ ТУМАН ҲОКИМЛИГИ ҲАМКОРЛИГИДА СЕМИНАР ЎТҚАЗИЛДИ.

Мазкур «Имконияти чекланган аёлларни қўллаб-қувватлаш ва уларга ҳуқуқий ёрдам бериш» мавзусида семинарларга туманда истиқомат қилувчи имконияти чекланган аёллар ҳамда ёшлар тақлиф этилди. Тадбирда Германиянинг Марказий Осиедаги фонди раҳбари профессор Вульф Лалинс, илмий марказдан О.Мусурмонова, Д.Шарипова, Олий Мажлис депутати С.Ахмедовалар сўзга чиқиб, хотин-қизлар таълими, саломатлик ва ҳаётий кадрятлар, аёл ва унинг ҳуқуқий саводхонлиги мавзусида атрофликлар тўхталиб ўтишди.

Жумладан, тадбирда семинар қатнашчиларига туман Бандликка кўмаклашувчи марказ директори Холида Низомова жамоа аҳлининг аҳоли бандлиги масаласининг ечимига бағишланган савий-ҳара-

катлари ҳақида сўзлаб берди. Туманда истиқомат қилувчи имконияти чекланган аёллар жорий йил бошида ўтказилган мониторингдан аниқланган. Уларни ишга жойлаштиришда кўмаклашиш ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича белгиланган ишлар режа асосида амалга оширилмоқда. Ўтган 2007 йилда марказга 2234 нафар доимий банд бўлмаган фуқаролар ишга жойлашиш мақсадида мурожаат қилишган. Шундан 1144 нафарини ёшлар ташкил этади. Биринчи бор мурожаат этган ёшлардан 257 нафари Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофаза-лаш бош бошқармасига қарашли Ишсизларни қасбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш ўқув марказига йўлланмалар билан ўқишга юборилди. Шунингдек,

уй меҳнатини ташкил қилиш, яъни қасаначилик бўйича 1034 та иш жойлари яратилиб (режа 100,7 фоизга бажарилди), кўплаб хотин-қизлар бандлиги масаласининг ечими топилди.

Эътиборли томони, тумандаги 53 та корхоналарда 753 та махсус—қотвали иш жойлари яратилди. Улардан 338 таси ногиронлар учун бўлса, қолган 415 таси ёшларга мўлжалланган. Ҳар қоракда ўтказилаётган «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» меҳнат ярмаркаларида ёшларга, имконияти чекланган аёлларга алоҳида эътибор қаратилади.

Семинар якунида аёл ва ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида тегишли адабиёт, буклетлар тарқатилди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

ТЎҒРИ СЎЗНИНГ ҲОҲУСИ

Танқид келажакнинг меваси. Бу гапга ким қандай қарайди билмадикку, лекин бизнингча бу билиб-топиб айтилган гап. Лекин ҳамма гап ошиқмай, тошиқмай танқиддан тўғри хулоса чиқаришда.

Кўнгли нозик-да, кўпинча камчилигимизни юзимизга айтган одамдан (гарчи шу нуқсонимизни ўзимиз сезиб, билиб юрган бўлсакда) хафа бўлиб юрамиз. Қайсарлик қилиб ундан тўғри хулоса чиқаришни истамаймиз, ўз билганимиздан қолмаймиз. Оқибат боши берк кўчага кириб қолганимиздан кейин қилмишимиздан пушаймон бўлиб юрамизда, ўшанда фалончи тўғри айтган эди, деб ҳақиқатга кўчамиз. Бирок, унда кеч бўлади. Кейинги пушаймондан эса фойда йўқ. Бунга истаганча мисоллар келтириш мумкин.

Ичкиликка ружу қўйган бир танишим бор. Кўпчилик бўлиб уни ўртага олдик. «Бола-чақаликсан, ичма» дедик. Билганидан қолмади. «Сенларга нима, ичсам пулимга ичаман» деди. Охири пули тамом бўлди шекли бировлардан сўраб ичадиган бўлди. Қайта-қайта гапирдик, кўнмади. Охир-охибат боши ёстиққа тегди. Оғир ахволда ётганини эшитиб кўргани бордик. Бизни кўриб кўнгли бўшади.

— Сенлар тўғри айтган эдиларинг, ўжарлик қилиб сўзларингга кирмадим. Мени кечиринглар, —деб йиғлади, сиктади.

Кўнглини кўтардик. Кўрмагандек бўлиб кетасан дедик. Афсуски у кўрмагандек бўлиб кетмади. Ичкилик бошига етди. Бечорани қирқ ёшда авжи йигитлигининг гуллаган чоғида тупроққа топширдик. Оиласи, икки боласи чирқиллаб қолаверди.

Шунга ўхшаш яна бир маҳалладошимиз бор эди. У ҳам анча вақтгача тўғри сўздан хулоса чиқармай юрди. Хатто бизни курси юзини четга буриб наридан ўтадиган бўлди. Ҳамтовқларига бизни ёмонлаб «улар душманларим, мени кўришолмайди» дедди. Бу гап бизга етиб келди. Хафа бўлмадик. Ичкилик устида айтган бўлса айтгандирда дедик. Хотини билан жанжаллашиб қолгани баҳона бўлди уни яна ўртага олдик. Маҳаллада муҳокама қилдик. Аёл «Менга бунақа эр керакмас, ичиб келиб ҳар куну уйда жанжал кўтарди, йўқ ердан баҳона излаб мени, болаларини ургани урган. Ҳаммасига чидадим. Энди тоқатим тоқ бўлди, кетаман» деди. Аёлни яна бир бор инсофга, чидам ва тоқатга қақирдик. У айтганларимизга кўнди. Муштумзўр эрининг гуноҳидан ўтди. Минг қилса ҳам болаларимнинг отаси деди. Маҳалла аҳли ҳам йиғитга ишонч билдиришди.

Ҳамдамали сўзининг устидан чиқди. Ичкиликдан, бемаъни ҳамтовқлардан воз кечди. Ишга жойлашди. Маҳалланинг яхши-ёмон кунларида ҳаммамиз билан бирга бўлди. Яқинда унинг 50 ёшга тўлганини қутладик. Шунда у сўз олиб бизга миннатдорчилик билдирди.

— Сизларнинг тўғридан тўғри аёвсиз бетга айтган сўзларингиз бўлмаганида билмадим, менинг ҳолим не кечарди. Чиндан ҳам касални ширинликлар билан эмас, аксинча аччиқ дори билан тузатишлари ҳақ экан. Сиздек тўғри сўз меҳрибонларим борлигиндан фахрланаман, — деди.

Кимдир билмас, кимдир билар, майли-да, гарчи аччиқ бўлса-да бетга айтганнинг ҳосиласи кўпинча инсонларни яхшиликка етаклашига ана шунда бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Кимки бунга амал қилмабди, ўзгадан эмас, ўзидан ўпкаласин.

МИНГ ДАРГА ДАВО

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

Бир танишим бор. Сал тоби қочдими, табибга югуради. «Нега шифокорларга учрашмайсан», десам, «Улар касалнинг аниқлагувчи минг чигирикдан ўтказишди-да, кейин қимматбахо дориларнинг рўйхатини ёзиб беришди. Қайси бирини ичсини билмайсан. Табиб эса биргина томирингнинг уришини кўриб дардингни тушунади», деб жавоб беради.

Тунов куну уни кўргани бориб, оёқ оғриғидан шикоят қилиб қолдик.

— Менга қара зўр табиб бор. Шунга олиб бораман. Олдига икки-уч марта қатнасанг бутунлай шифо топиб кетасан, —деб қолди.

Қани бунисини ҳам бир кўрайчи, деб унинг тақлифига розилик билдирдик. Эртасига йўлга чиқдик. Йўл юрсақ ҳам мўл юриб табибнинг уйини топиб бордик. Ҳақиқатан ҳам номдор экан шеклилли, эшик тағида навбат кутиб ўн чоғли одам ўтирарди.

Тушга яқин навбатимиз келди. Унинг хузурига киришдан олдин танишим: «Касалингни айтмайсан, унинг ўзи томирингни ушлаб дардингни айтиб беради» деб тушунтириш берди. Шундай қилдик. Табиб кўлимизни тутди. Кейин кўзимизга узоқ тикилди.

— Яхши, — деди ниҳоят, — сизни қон босими қийнаётган экан, биродар.

Оёқ оғриғи, қанд касали борлигини билардигу, лекин қон босимимиз борлигини билмасдик. Нима ҳам дердик. Қаричилик шунақа бўлса бордик. Шундай бўлса-да табибга келишимиз сабабини айтдик.

— Оёқ оғриғига даво истаб келгандик олдингизга.

— Билдим. Бир йўла иккаласини даволаймиз. Икки-уч марта келсангиз, бутунлай шифо топиб кетасиз.

У кетар чоғимиз кўлимизга бир шиша суюқлик тутди. Уч маҳал ичишимиз, икки кундан кейин яна келишимизни тайинлади. Табиб айтган барча муолажаларни илос билан бажардик. Керагича олдиға қатнадик. Лекин оёғимизда оғриқ кучайса кучайдики, қамаймади. Охири шифокорларга мурожаат қилдик. Ҳар қалай уларнинг муолажаларидан сўнг ҳозир анча яхшимиз.

Яқинда ўша танишимиз билан яна учрашиб қолдик. Уни бел оғриғи қийшайтириб қўйибди. «Нима бўлди?» десак касалидан шикоят қилиб қолди. Охирида:

— Уч-тўрт табибларга кўрсатдим бўлмади. Энди фалон жойда довраги чикқан табиб бор экан, шунга қатнапман, — деди инқиллаб-синқиллаб.

Йўқ, танишимизга у табиб ҳам даво бера олмади. Кўярда қўймай уни шифокор хузурига олиб бордик. Унинг тавсияси билан танишимиз касалхонада бир мунча кун ётиб соғайиб чиқди.

«Энди қалайсан» десак у тан бериб:

— «Барибир қайта-қайта чигирикдан ўтказса ҳам шифокорлар яхши экан. Минг қилса ҳам ўқиб ўққанда, тажрибаси бор, —деб қолди.

Балки табиб айтганин иқтидорли табиблар, беморлар дардига даво бўлишга қодир ноёб табиатли инсонлар бўлса бордик. Лекин мен табибман деб ўтирган дуоғўйларнинг барчасига ишониб бўлмаслиғига, аслида ҳар қандай даргда шифокорлар маҳкам бўлишига ана шундагина танишимиз ишонди.

Донишмандлар шифокорларни бекор-га ҳам «Соғлиқ посбони» деб аташмаганди.

ЯХШИЛИК ҲАҚИДА

Яхшилик яхши ном келтиради. Саховат эса кишини бахтиёр қилади. Бир донишманд шундай деган экан:

— Яхшилик қила олмасанг, ёмонлик ҳам қўлма. Яхшиликни ёмонликдан яхшироқ билмасанг, ёмонроқ ҳам бўлма. Яхшиликни билсанг, яхшиларга қўшил. Яхшилик теғрасида эврила олмасанг, яхшилар теғрасида эврил. Саховатли бўл.

Яхшиликка ҳар ким ҳам яхшилик қила олади. Саховат эса фақат чин инсоннинг қўлидан келади. Қачон, қаерда, қандай ва нимаики қилсақ, хоҳ яхшилик, хоҳ ёмонлик, хоҳ саховат ҳаммаси бир кун келиб ўз мевасини беради.

Бу гапдан қандай хулоса чиқариш ҳар кимнинг ўз эътиборига ҳавола.

У айни пайтда Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетининг 4-курсда таҳсил олмақда. Эндигина 21 ёшни қаршилаётган Элдорнинг орзулари бир олам.

Мамлакатимизда ўсиб келаятган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, ўз касбининг етук мутахассиси ва эртанинг ҳақиқий эгалари этиб тарбиялаш борасида истиқболли ислохотлар амалга оширилмаётган.

«Ёшлар йили» Давлат дастурининг қабул қилиниши бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Президент Ислам Каримов таъбири билан айтганда, ёшлар ватан, миллат ва халқнинг нафақат ишончи ва келажаги, улар Ўзбекистоннинг бугунги ва эртасини ҳал қилувчи кучдир.

Электроника ва автоматлаштириш факультетида илм сирларини ўзлаштириётган Э. Маҳмудов «Метрология, стандартиштириш ва сертификатлаштириш» мутахассислигини танақлади. Урта таълимни русий забон мактабда олган Элдор 2004 йилда Ўзбекистон давлат ёниб яшаётган ёшларимиз бор экан, ватан келажаги, эртани куну бугунгидан-да яхшироқ бўлади.

Президентимиз айтганидек, ёшларга нафақат ишонч билдириш керак, балки уларга ўзини амалда намоян этишлари учун майдонни кенгайтириш лозим.

Раҳона ТОШПҮЛОВА,
«Туркистон-пресс»


—2007 йил мен учун жуда омадли келди. Техника ва информатика йўналиши бўйича Абу Райҳон Беруний номидаги давлат стипендиаси соҳиб бўлдим, —деди у. —Бу муқофот ўзимга бўлган ишончнинг янада орттирди ва доимо ҳаракатда бўлишга ундади. Келажакда етук мутахассис бўлиш ва ватан равнақи йўлида хизмат қилиш, янги изланишлар олиб бориш асосий мақсадимдир, —деди Элдор.

Элдор тенгдошларидан интилувчанлиги, тиришқоқлиги ва билимга чанқоқлиги билан ажралаиб туради. Бўш вақтларида спортнинг сузиш турига қатнайдди. Дарслардан кейин ўзи яратган «Quality Standart» www.qs.uz ва «Quality Handbook» www.qh.siteded.it веб сайти фаолиятини кузатиб боради.

Ёш авлод тарбияси ўта масъулиятли ва жуда муҳим масала ҳисобланади. Ешлик чексиз куч-қудрат даври. Бу даврда олинган билим ва қилинган ҳар бир ҳаракат эртага ўз мевасини бериши тайин. Тинмай изланишда ёниб яшаётган ёшларимиз бор экан, ватан келажаги, эртани куну бугунгидан-да яхшироқ бўлади.

Президентимиз айтганидек, ёшларга нафақат ишонч билдириш керак, балки уларга ўзини амалда намоян этишлари учун майдонни кенгайтириш лозим.

Раҳона ТОШПҮЛОВА,
«Туркистон-пресс»



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ
САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ХИКМАТЛАР

Илону зар, тикону гул, гаму шодлик баҳам-дирлар.

Чин ошиқлар балодан қочмагай асло.

Ҳадиси ишқ агар дерсан, гуноҳмас, Гуноҳ аввал Ҳаво қилдиву Одам.

Ғанимат бил, агар билсанги, ҳар кун, Бўлар қолган умрдан бир куни кам.

Биной умринга дил қўйма, Саъдий, Ки бунёди эмас бунёди маҳкам.

Сабр ошиқ дардининг дармони.

Қўп сафар қилмоқ керакким, то пиштисун хомни.

Гарчи муштоқ аҳлининг ҳар кечаси тимқорадир, Ноумид бўлмоқ керакмас, изла ёруғ томни.

Саъдий, дарё буйидан не изларсан дундонани? Бор наҳанглар комига, истар эсанг гар комни.

Одамиятдир ҳама бечорага раҳм айламак.

Одамда бўлмас гар маъний жони, Ҳақиқат ул дарахти бесамардир.

Хатодир ёру дўстлар қалбига озор етказмоқ, Вале қотилик, қасд айлар, хатодан не ғами бордир?

Намунча тош юрак бўлмас киши, йўл бошида кимса Ўлар ташна, бировларда вале оби зулоли бор.

Девонагаки, дейсан хушёр оқил бўлгин, Қўрқарман, насиҳатдан яна баттар бўлғай у.

Гар асил ошиқ эрусан, жон бериб, парвона бўл.

Билсанг, бу дунёга келар вақтингда, Ҳамма хандон эди, сен эса гирён. Шундай яшоки, то кетар вақтингда Ҳамма гирён бўлсин, сен эса хандон.

Хунарманд ва оқил кишига асли Икки умр лозим бўлар дунёда: Бирида тажриба ҳосил қилса-ю, Бирида қўлласа уни зиёда.

Балолар домиди қолсанг, Худо номини тутгайсан, Агар ҳал бўлса мушуқнинг, яна Ҳақни унутгайсан. Эргаш **ОЧИЛОВ** тайёрлаган



ШАҲРИМИЗДА СУРАТЧИ-МУСАВВИР РАВИЛЬ ЯРУЛЛИН ТАВАЛЛУДИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН «ГРАФИКА ВА ТАБИАТ РАНГ-ТАСВИРИ» НОМЛИ ШАХСИЙ КЎРГАЗМАСИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА.

Кўргазмалар

САРА СУРАТЛАР ЎРИН ОЛГАН

Айтиш керакки, Р.Яруллин сураткашлик санъатини ёшлигидан мустақил равишда ўрганган. 1978 йилда у тоғ сайёҳлигига қизиққанлиги сабабли республика табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасига келгандан сўнг сураткашлик билан астойдил шуғуллана бошлади ва шу ерда унинг касб қўниқмаларини ўз ичига олган дастлабки кўргазмаси бўлиб ўтди.

1990 йиллардан бошлаб Равил Яруллин сураткашлик билан профессионал тарзда шуғулланиб келмоқда. У кўпгина нашрийётлар ҳамда журналлар тахририяти билан ҳам-

корлик қилади. Ўзбекистон тўғрисида ҳикоя қилувчи «Сурхондарё», «Марғилон», «Қарши», «Самарқанд», «Ўзбекистон» ва бошқа турли суратли альбомларни ташкил этишда фаол иштирок этиб келади. Яруллиннинг суратлари Ўзбекистондаги кўргазмалардан ташқари Ганноверда уюштирилган «ЭКСПО — 2000», Японияда бўлиб ўтган «ЭКСПО — 2005», шунингдек Германия, Хитой ва Россияда ташкил этилган кўргазмалардан ўз ўрнини топган ва бу бежиз эмас. Зеро, Равил Яруллин суратли репортаж, портрет ва пейзаж сирларидан яхши хабардор ва ушбу

жанрларнинг устаси ҳисобланади.

Сураткашлик билан шуғулланган йилларида Р.Яруллиннинг бой суратлар архиви вуқудга келди. Улар орасида Ўзбекистон табиати ўзининг барча кирралари билан акс этган, шунингдек, қадимий ёдгорликлар ва шаҳарларнинг замонавий кифаси, анъанавий ҳаёт, урф-одат ва маросимлар, хунармандчилик ва бошқа кўпгина соҳалар алоҳида ажралиб туради.

Ўйлаймизки, Равил Яруллиннинг ушбу шахсий кўргазмасини томоша қилиш учун келган мухлислар албатта ранг-баранг суратлардан кўнгиллари шодликка тўлиб қайтдилар.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар Алексей Попов олган суратлар

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

ХУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

2008—2009 йилги иситиш мавсумига сифатли тайёргарлик кўриш мақсадида 2008 йилнинг 24 мартдан 2 апрелигача Тошкент шаҳрида қувурлардан фойдаланишнинг гидравлик хусусиятларини ва иссиқлик ташувчи муҳитнинг энг юқори ҳароратини аниқлаш бўйича иссиқлик тармоқларини синаш ўтказилади.

6-ИМ (26 март) ва **8-ИМ** (2 апрел) таъсир доираларида иссиқ сув ва иссиқлик энергияси бўлмайд.

6-ИМ 26 март куни — Мунис, У.Олимбеков, Бехтерев, Янгизамон, А.Фитрат, Қўйлик — 1-7, Қўйлик-Айланма йўли турар жой мавзелари.

8-ИМ 2 апрел куни — Сергели-1-8А, Спутник-8,15,16,17, Дўстлик-1,2 турар жой мавзелари.

24 мартдан 31 мартгача бўлган даврда иссиқлик тармоқларини энг юқори ҳароратга синаш ўтказилади, шу тўғрисида иссиқлик ташувчи муҳит юқори ҳароратга ўтган чоғда истеъмоқчилар иссиқ сув таъминотини ўчириб қўйишлари лозим. Болалар, ўқув ва даволаш муассасаларида иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти тўлиқ ўчириб қўйилади. 2008 йилнинг 1 апрелидан 17 апрелигача Тошкент шаҳрида истеъмоқчиларни иссиқ сув бўйича чекламаган ҳолда иссиқлик тармоқларининг механик чидамликка ва зичлик (юқори босимга)ка синовлари ўтказилади.

1-ИМ 31 март куни
16 апрел куни — акад. Ҳ. Абдуллаев шохкўчаси, Боғишамол, Ф.Хўжаев, Қори Ниёзий, Мўминов, Буюк Ипак йўли, Муҳаммад Юсуф, Сайрам, Оққўрғон, Кичик Ҳалқа йўли, Пушкин, А.Муҳиддинов, Раҳматуллин, Доғистон, Эргашев, Муҳитдинов кўчалари, Яланғоч, Э.Отаханова, Бўз-1, ТошГРЭС, Тошқилшоқмаш, Риёзий, Пушкин-Пишпек, Пушкин-Салор, ген.Петров турар жой мавзелари, Ҳ.Олимжон майдони.

2-ИМ 24 март куни
8 апрел куни — акад. Ҳ. Абдуллаев шохкўчаси, Т.Малик, Иркутск, Матқобулов, Феруза, Ш.Бурҳонов кўчалари, Қорасув-1,2,3,4,6, Хумоюн, Бўз-2, Феруза турар жой мавзелари, Геофизиклар кўргони.

3-ИМ 28 март куни
3 апрел куни — Беруний, Навоий, Абай, Афросиёб, Халқлар Дўстлиги, Ўзбекистон шохкўчалари, Ниёзов, А.Хўжаев, Фурқат, ген.Узоқов, Самарқанд дарвоза, Ҳамидхонов, Саидов кўчалари, Чорсу, Қораташ, Беруний, Олмазор, Бешёғоч, М-14,10,11, М-26,27,28, Б-1,Б-2,Б-2, Қорақамиш-2/1 турар жой мавзелари.

4-ИМ (М-0,1) 25 март куни
7 апрел куни — А.Темур, Г.Абдурашидов, Кичик Ҳалқа йўли, Ҳасанов, Осиев, Хуршид, Боғишамол, Бодомзор, Ф. Ғулом, Шаҳристон, А.Зокиров, Ҳ.Олимжон, Пушкин, Ф.Мавлонов, Шамсуддинов, Бобоҷонов, А.Қодирли, А.Хидоятлов кўчалари, М-17,18

(Себзор), Тахтапул, М-1,5,6,12,13,15, Қорақамиш — 1/1,1/2,1/3,1/4 турар жой мавзелари, Ҳ.Олимжон майдони.

4-ИМ (М-4,8) 27 март куни
4 апрел куни — Юнусобод даҳаси 1-19-мавзелар, А.Темур, Мойқўрғон, А.Дониш, Муродов, А.Мирзаев, Соҳибқор, А.Зокиров, Шаҳристон, Кичик Ҳалқа йўли, Т.Зоҳидов, Қахрамон кўчалари.

5-ИМ 24 март куни
1 апрел куни — Чилонзор даҳаси 6 — 12, Ц, Г9а, 16 — 20А, 26-мавзелар, Дўмбробод, Оқтепа, Қизил шарк, Гулистон мавзелари, Заргарлик, Муқимий, Чўпонота, Фарҳод, С.Мираҳмедов, Наққошлик, А.Тўқай, Гулистон кўчалари.

“ТТЗ” қозонхонаси 27 март куни
17 апрел куни — ТТЗ-1,2,2а,4, Югнакий мавзелари, Аҳиллик, Гулсанам, Юзработ, Буюк ипак йўли кўчалари
“Саноатэнерго” қозонхонаси 31 март куни
4 апрел куни — “Курувчи” мавзеси
“Саноатэнерго” қозонхонасининг таъсир доирасида 4 апрел куни иссиқ сув таъминоти бўлмайд.

6-ИМ 8 апрел куни — Мунис, У.Олимбеков, Бехтерев, Янгизамон, А.Фитрат, Фарғона йўли кўчалари, Қўйлик — 1-7, Қўйлик-Айланма йўл турар жой мавзелари.

7-ИМ 1 апрел куни — Лисунов, Шолохов, Бирлашган, Алимкент, Иззат, Кадишев, Слоним, Курувчилар кўчалари, “Ғалабининг 40 йиллиги”-1,2,3,4, ДСК-1, Слоним-1,2 мавзелари, “Авиасозлар” шаҳарчаси худуди.

8-ИМ 10 апрел куни — Сергели-1-8А, Спутник-8,15,16,17, Дўстлик-1,2 турар жой мавзелари, Янги Сергели йўли, М.Алавий, А.Ахматова, Қипчоқ, Давлатобод кўчалари

9-ИМ 9 апрел куни — Чилонзор даҳаси 13-15,15А, 21-24,30,31-мавзелар, Қизил шарк, Ал-Хоразмий-1,2, Бешқайрағоч, Гулистон, Изза, Ўрикзор мавзелари, Фозилтепа, Катта Хирмонтепа, Раҳимбобоева, Ширин, Лутфий кўчалари.

10-ИМ 10 апрел куни — Беруний шохкўчаси, Форобий, Г.Каримов, Мухбир, Мирзо-Ғолиб, Талабалар, Шифокор, Қамарнисо, Тансиқбоев, Уразбоев, У.Юнусов, Калон кўчалари, Шифокорлар, Талабалар шаҳарчалари, Чимбой, Жарарик, Қорақамиш — 2/1,2/3,2/4,2/5, Тансиқбоев-1,2,3,4, ЎзМУ-ТошДТУ, Олимпия, Ибн-Сино-1,2, Ўзтепа турар жой мавзелари.

ИЭМ (М-0) 17 апрел куни — Бобур, У.Носир, С.Мираҳмедов, Арнасой, Ш.Исломов, Афросиёб, Ш.Руставели, Муқимий, Аския, Чўпонота кўчалари, М-7, Рашидов шохкўчаси, Чилонзор даҳаси 1,2,3,4,5, Е,И мавзелари.

ИЭМ (М-5,8) 15 апрел куни — Навоий шохкўчаси, Бобур, Глинка, Афросиёб, Буюк Турон, Мустафо Камол ота Турк, Нукус, А.Темур, С.Топилов, Я.Ғуломов, Бухоро, Истиқлол, Ҳ.Сулайманова, С.Азимов кўчалари, М-1, М-2, М-4, М-5, Мовароуннахр, Матбузотчилар, Миробод, Т.Шевченко, Шаҳрисабз, С.Барака, Ҳ.Умаров, Сайилгоҳ, Элбек кўчалари, Қушбеги, Бошлик, “Авиашаҳарча” мавзелари

“Водник” қозонхонаси 9 апрел куни — “Водник” мавзеси худуди, Ҳ.Бойқаро кўчаси.

Иссиқлик тармоқларининг қувурлари ва уй ичи тармоқларининг шикастланиши, шунингдек юқорида кўрсатилган манзиллардаги қатнов йўллари ва пиёдалар йўлчаларида иссиқ сув сачраши ва тошиши мумкинлигига пиёдалар, ҳайдовчилар, маъмурий ва турар жой биноларидаги одамлар эътиборини қаратамиз.

Вақтинчалик ноқулайликни тўғри тушунасиз деб умид қиламиз. Ноодатий ҳолларни сезишингиз билан 281-32-32 телефонига хабар қилишингизни сўраймиз.

Куйдаги иссиқлик марказларини тўлиқ баҳорги тўхтатиш режалаштирилмоқда:

- 1-ИМ — “Шимолий-Шарқий” — 7дан 11 апрелгача
 - 2-ИМ — “Қорасув” — 31 мартдан 4 апрелгача
 - 3-ИМ — “Фарбий” — 7дан 11 апрелгача
 - 4-ИМ — “Шимолий” — 14дан 18 апрелгача
 - 5-ИМ — “Чилонзор” — 28 апрелдан 2 майгача
 - 6-ИМ — “Жанубий-Шарқий” — 28 апрелдан 2 майгача
 - 7-ИМ — “Авиасозлар” — 28 апрелдан 2 майгача
 - 8-ИМ — “Сергели” — 14 дан 18 апрелгача
 - “Водник” қозонхонаси — 24 дан 28 мартгача
 - “ТТЗ” қозонхонаси — 12 дан 16 майгача
 - “Саноатэнерго” қозонхонаси — 24дан 28 мартгача
- Тўхтатиш даврида иссиқлик марказларининг юқорида кўрсатилган йўналишларидаги таъсир доирасида иссиқ сув таъминоти бўлмайд.

ХУРМАТЛИ ХАМШАҲАРЛАР!

Барчамиз хонадонларимизга етказиб берилган газ, электр энергияси, совуқ ва иссиқ сувдан фойдаланамиз. Унутманг, кўрсатилган коммунал хизматлар бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиниши эртанги кундаги сифатли хизматлар гаровидир.

Коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир ва ушбу тўловлар пойтахтнинг уй-жой — коммунал хўжалигини янада ривожлантириш йўлида сарфланади. Аҳоли томонидан истеъмоқ қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бошқа коммунал хизматлар учун тўловлар аҳолининг ўз танловига кўра, фақат чекловларсиз тижорат банки муассасаларида, тўловларни қабул қилиш кассаларида ва почта бўлинмаларида амалга оширилади.

Фақат умумий саъй-ҳаракатларни бирлаштирган ҳолда, барчамиз ҳамкорликда коммунал хизматлар фаолиятининг самарадорлигига эришимиз мумкин.

1850 x 2950 x 100 мм, 640 x 2435 x 16 пўлат, гильотина, ишламайди ҳолдаги фрезерлик дастгоҳи сотиб олам.

Т: 305-03-54.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буқортма Г-206

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4061 нусхада босилади. Қоғоз биринчи А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент шаҳри»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилиш мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланади.
«Шарқ» нашрийёт-матбоа оқшомдорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 3456